

# Рамазон мусобақасида қатнашинг, ғолиб бўлинг!

05:00 / 14.01.2017 3596

Спорт мусобақаларида қатнашувчиларнинг мусобақага йил бўйи тайёргарлик кўриши зафар қозониш учун эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Мана айна шу кунларда Футбол бўйича жаҳон чемпионати бўлиб турибди. Бу чемпионатда қатнашаётган терма жамоалар мусобақа учун аввалдан тайёргарлик кўриб келишган. Шунинг унутмайликки ҳамма тайёргарлик кўрганлар ҳам муваффақиятли ўринни эгаллай олмайди. Чунки тайёргарлик ҳам турлича бўлади. Ким кўпроқ жидду-жаҳд билан тиришиб тайёргарлик кўрган бўлса мукофот уники бўлади. Номига тайёргарлик кўрганнинг кўрсаткич натижаси ҳам ўзига муносиб бўлади. Умуман тайёрланмаган, тайёргарлик ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаганларни ўзингиз тасаввур қилаверинг. Уларга мукофат қаердан келсин?!

Бугун бизга муборак ой соя солиб турибди. Демак биз ҳам зафар қўчиш учун тайёргарлик кўришимиз керак. Бу ойда кўпроқ савоб ишлаб олиш учун тайергарлигимиз кандай бўляпти?. Тайёрмизми? Оз кунлар қолди, кўникиб олгунча ўтиб кетади.

Дунёвий мусобақаларда зафар қозониш учун кўриладиган тайёргарликларга қараб, охираат мусобақаси бундан-да ҳақлироқ эканини тааммул қилайлик. Дунё ютуғи билан охираат ютуғини тенглаштириб бўлмайди. Охираат учун шошилиш ҳақлироқ эмасми?

Салафи солихлар рамазон ҳайити кунидан бошлаб олти ой рўзанинг қабул бўлишини, кейин яна олти ой рамазонга етказишини сўраб Аллоҳ таолога дуо қилганлар.

“Роббингиздан бўлган мағфиратга шошилишлар!!!” (Оли Имрон;133)

“Мусобақалашувчилар мана шунда мусобақалашсинлар!!!”  
(Мутоффифин;26)

Аллоҳ таоло баъзи кунларни бошқа кунлардан кўра афзалроқ қилиб қўйган. Бунинг боиси бандаларига савобларини кўпайтириб олишлари учундир.



қарашмаган.

Имом Ғазолий айтганлар: «Саҳарлигинглар оддий кундалик нонуштанглар каби бўлсин. Ифторинглар эса оддий кундалик кечки овқатинглар каби бўлсин».

Баъзилар каби нотуштага уч маҳал ейдиган овқатни еб, ифторга эса яна уч маҳал ейдиган овқатни еб олиш билан рўзанинг ҳикмати қолмайди. Оддий кунлардаги нонуштани саҳарга кўчириш керак, кечки овқатни эса ифторга кўчириш керак. Орадаги тушлик йўқ бўлса, шунда рўзадан кўзланган мақсад амалга ошади.

Рўза уч табакадан иборат.

1. Авомнинг рўзаси. (Бу - Ислом даражасидаги рўза) Ният билан тонг отгандан то кун ботгунгача ўзини емоқ - ичмоқ ва жинсий яқинликдан сақлаб туриш. Бунда фарзни адо этиш бўлади, халос.

2. Хосларнинг рўзаси. (Бу - иймон даражасидаги рўза) Бунда аъзолар ҳам рўза тутлади. Кўз, қулоқ, тил, қўл, оёқ ва ҳ.к.з.лар гуноҳдан сақланади. Яъни, бутун вужудни шариат ман қилган нарсалардан сақлаш. Агар мазкур аъзоларни гуноҳдан сақламасақ, рўзамиз авомнинг рўзаси каби бўлиб қолади. Фарз адо этилади-ю, лекин савоби камайиб кетади. Рўза тутдингми тутдинг, деган номга эришади.

Алҳадулиллаҳ ҳаммамизга бир неча йилдан бери рўза тутиш насиб қилиб турибди. Энди яна шунча йиллар ўтса ҳам биринчи табақадаги рўзани тутаверсак инсоф қилмаган бўламиз.

3. Хосларнинг хосининг рўзаси. (Бу - эҳсон даражасидаги рўза) Бу олий даражадаги рўза. Бунда қалб ҳам рўза тутлади. Яъни, қалбга, хаёлга умуман ношаръий нарсалар келтирилмайди. Аллоҳнинг зикридан бошқа нарсани хаёлига келтирмайди. Уни, буни ейишни ҳам ўйлайвермайди.

Саид ибн Жубайр р.а.: Албатта қўрқош-Аллоҳдан қўрқмоғингдир. Аллоҳдан қўрқмоғинг сен билан гуноҳнинг ўртасига тўсиқ бўлади. Ана ўша ҳақиқий қўрқошдир. Зикр эса - Аллоҳга итоат қилмоқликдир. Ким Аллоҳга итоат қилса, демак у Аллоҳни зикр қилибди. Ким Аллоҳга итоат қилмаса, у тасбеҳу Қуръон тиловатини қанчалик кўпайтирмасин, зикр қилувчилардан ҳисобланмайди.

هَلْ لَاحِقٌ لِّكَ لِي قَوْلُ امِّهِ عَنِ الْوَالِدِ فِي ضَرْبِ وَرْمَعِ نَبِيِّ اللَّهِ دَبَّعَ نَعْقُودًا قَوْلًا: أُولَئِكَ نَسَبُ اللَّهِ قَوْلًا مُؤَمَّخًا لِكَلِّ أَقْ؟ لَعَنُفَ أَسْأَلُ أَيَّ مَلَسَ وَبِغَبِّ الْوَهَيْفِ مَثَلِ الْيَقِينِ لِقَوْلِهِ: لَأَقْبَلُ قَوْلَ الْمُؤَمَّخِ أَمْ فَهُوَ عِنْدَ نَسَبِ اللَّهِ يِقْهِي بِلِوَاوِ هَجَامِ نَبَا هَاوِرَ دَسَّحِ الْوَلِّغِ الْوَلِّغِ

Пайгамбар соллаллоҳ алайҳи васалламдан сўралди: Қайси инсонлар энг афзал? У зот жавоб бердилар: Барча махмумул қалб ва ростгўйлар. Сўрашдилар: Биз ростгуйликни-ку биламиз, махмумул калб нима? У зот айтдилар: у тақволи, пок, гуноҳсиз, зулмсиз, нафратсиз, ҳасадсиз (калб)дир. (Ибн Можа ва Байҳақий ривояти)

Минг афсус қанча-қанча кишилар бундай қимматли фурсатларни беҳуда нарсалар билан ўтказиб юборишмоқда. Биз вақтимизга зийрак бўлайлик. Рамазон ойи савоб ишлаб оладиган мавсум.

Бу йил ўтган йилгидан кўра кўпроқ ибодат билан машғул бўлайлик. Кўпчилигимиз учун рўза тутиш биринчи йил эмас. Демак ўтган йилгидан кўра бу йил кўпроқ нарсага эришишимиз керак бўлади. Бошлай олмаётган ибодатларни бошлайлик, ташлай олмаётган гуноҳларни ташлайлик. Бир ой – катта муддат, бирор ибодатга бир ой машғул бўлсак, шу ибодат бизга одатга айланади. Ҳар вақтни ғанимат билайлик.

Телевизор кўришни ҳам, интернетдан фойдаланишни ҳам бир интизомга солиб олайлик. Ҳар хил беҳуда вақтни оладиган нарсаларни кўрмайлик. Биз ҳалол ва мубоҳ нарсаларда мана шундай интизомни йўлга қўяйлик. Ҳаром нарсалардан мутлоқ четланайлик. Ўзимизда рўзадорнинг муҳитини кўрсатайлик-ки, бошқалар ҳам бизга эргашсин, биздан ўрнак олсинлар.

Рамазон ойига алоҳида режа тузиб олиш керак. Агар рамазон ойида бўш қолсак ёки бекорчи нарсага машғул бўлсак, демак Рамазондан унумли фойдаланмаётган бўламиз.

Бу кунларда кўпроқ Қуръон ўқиш, ўргатиш, ҳадислардан ўрганиш, ўргатиш, кўпроқ истиффор айтиш, ота-онага яхшилик қилиш, қариндош уруғга силаи раҳм қилиш, саломни кенг ёйиш, таом улашиш, икки уришиб қолган кишилар орасини ислоҳ қилиш, амру-маъруф ва наҳй мункар қилиш, тилни ва кўзни сақлаш, қўшниларга яхшилик қилиш, меҳмонга икром кўрсатиш, мусулмонлар юрадиган йўлдан азият берадиган нарсаларни олиб ташлаш, мусулмонларга азият бермаслик, Аллоҳнинг йўлида инфоқ қилиш, рўзадорларга ифторлик улашиш, аҳли-оилани хурсанд қилиш, масжидга қатнаш, имкон қадар намозларни жамоат билан

Ўқиш, намоздан кейинги дуоларни ҳам бекаму кўст бажариш, таровех намозларида хатм Қуръонларга қатнашиш, ҳар кеча таҳажжуд ўқиш, етимларнинг бошини силаб, кўнглини олиш, касалларни зиёрат қилиш, дўсларининг ҳожатини раво қилиш, Пайғамбар с.а.в.га кўпроқ саловат айтиш, қўл остидагиларга мулойим бўлиш, дўстларини ортидан дуо қилиш, муҳтожга ёрдам бериш, мусулмонлар қалбига хурсандчилик киритиш, фарзандларга бу кунларнинг улуғ экани ҳақида таълим бериш, мусулмонлар билан яхшиликда ҳамкорлик қилиш ва ҳ.к.з.лар билан машғул бўлиш керак.

Аллоҳ таоло Рамазон ойидан Ўзининг розилигини топган, жаннатни касб қилган ва гуноҳлардан мағфур бўлган бандалардан бўлиб чиқишимизни муваффақ қилсин!

Қудратуллоҳ Сидиқметов